

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРМАМАТОВА РАҲИМА РАҲМАНОВНА

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ
ХАВФЛИЛИК ОМИЛЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ**

05.10.01 — Мехнатни муҳофаза қилиш ва инсон фаолияти хавфсизлиги

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент — 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавлениеавтореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of the of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Нурмаматова Раҳима Раҳмановна

Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг хавфлилик омилларини
камайтириш..... 3

Нурмаматова Раҳима Раҳмановна

Уменьшение опасных факторов промышленных
производств..... 23

Nurmatova Rakhima Rakhmanovna

Reducing the hazards of industrial roduction..... 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРМАМАТОВА РАҲИМА РАҲМАНОВНА

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ
ХАВФЛИЛИК ОМИЛЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ**

05.10.01 — Мехнатни муҳофаза қилиш ва инсон фаолияти хавфсизлиги

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент — 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/T1237 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.fvvakademiya.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Юлдашев Орунбай Раҳмонбердиевич
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: Хасанов Бахриддин Баратович
техника фанлари доктори, профессор

Ганиев Тохир Аҳмедович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Ислоом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.40/30.12.2020.T.129.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «6» октябрь соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент шаҳар, 100102, Янги ҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй. Телефон: (71) 258-56-57 E-mail: info@akademiya.fvv.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 3 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Тошкент шаҳар, 100102, Янги ҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй. Телефон: (71) 258-56-57. E-mail: info@akademiya.fvv.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «23» IX кунни тарқатилди.
(2021 йил «11» 08 даги 1 рақамли реестр баённомаси).



Б.Т.Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, доцент

Х.М.Дусматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, кимё
фанлари номзоди

Ш.Э.Курбанбаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, катта
илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда осон алангаланувчи чанг чиқарилиши билан боғлиқ портлаш хавфи мавжуд бўлган бино ва иншоотлар тоифаларини тўғри белгилаш, саноат корхоналарида техник ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш меҳнат унумдорлигини оширишда етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Жаҳонда портлашга қарши ишлаб чиқариш биноларини тоифалаш норматив ҳужжатларига¹ мувофиқ, “Дунёда содир бўлган ҳар 436 та портлашдан 32 таси чанг-ҳаво аралашмасидан келиб чиққанлигини ҳисобга олсак”, ҳар бир саноат корхонасига хос бўлган омилларни, жумладан, чанг ва унинг интенсивлиги, хонанинг баландлиги ва майдонининг нотекислиги, чангнинг муаллақ ҳолатга ўтиши ва портловчи ёниш жараёнида иштирок этишини ҳисобга олиш хавфли ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини баҳолашни амалиётга жорий этишни тақозо этмоқда.

Дунёда ёнувчан ёки осон алангаланувчи чанг чиқиши билан боғлиқ портлаш хавфи мавжуд бўлган хоналар тоифасини аниқлаш чанг ёнувчанлигининг пастки концентрацион чегараси аланганинг қуйи чегара концентрацияси ва чанг-ҳаво аралашмасининг ҳудуддаги хавфли миқдори 65 g/m^3 асосида белгиланиши тоифаларни ошириб юбориши сабабли, илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади. Шу жиҳатдан ҳар бир саноат корхонасига хос бўлган омиллар, саноат корхоналарининг технологик жараёнларида портлаш эҳтимоли камлиги ходимлар ҳаёти ва соғлиғи, бино ва технологик асбоб-ускуналарнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иш сифати ва меҳнат унумдорлигини юқори бўлишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Республикамизда портлашга қарши ишлаб чиқариш тоифаларини аниқлаш, бинонинг хавфли иш ҳудудида портловчи чанг-ҳаво аралашмаси ҳосил бўлиши мумкинлиги ёки портлашнинг олдини олиш юзасидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «... одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, ... ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, ... озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ...»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, хавфсизлик техникаси қоидалари, жароҳатланишларнинг олдини олиш, ишлаб чиқариш биноларида портловчи ёнувчан чанг-ҳаво аралашмалари, осон тикланадиган конструкциялар, чанг миқдорини ўлчайдиган лаборатория жиҳозлари ва микроклимни санитар-гигиеник меъёрлари бўйича таклифлар ҳамда ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси учун хос бўлган бир-бирига боғлиқ бўлган омилларни ҳисобга олган ҳолда илмий

¹ГОСТ.17.2.3.02-78; ГОСТ 12.002-80; ГОСТ.12.1.010-90; ГОСТ 12.1.004-91;

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

асосланган қоидалар ва воситалар тавсия этиш, саноат корхоналарида ёниш чангларини чиқариш билан боғлиқ бўлган портловчи ёнувчан тоифаларни аниқлаш усулини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 22 сентябрдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-410-сон қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ВМҚ-291-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Меҳнат унумдорлигини ошириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг хавфлилик омилларини камайтириш, ёнғин ва портлаш хавфининг олдини олиш назарияси ва амалиётига хорижий олимлардан Н.А.Стрелчук, М.Г.Годжелло, Й.И.Чигирин, И.Пиней, Й.Клингер, Г.И.Фукс, В.Н.Серов, М.Девис, Д.Эйштон, К.А.Фарлей, Ҳ.Валентин, А.М.Андрианов, О.М.Тодес, М.И.Соловьёв, А.Н.Колмогоров, Ч.Ҳинсе, Ж.С.Таунсенд, Л.Прандтл, Э.Тейлор, Л.С.Клячко, С.Сакс, А.Эйнштейн, Т.Великанова, А.Д.Климанов, Н.Воронин, Л.Д.Воронина, А.Д.Багриновский, С.У.Вейлер, П.Ребиндер, Ж.Борисов, С.Доз, В.Вин, Й.Б.Зелдович, Х.А.Кристорян, В.В.Старк, Й.Н.Талиев, В.В.Дяков, С.В.Белов ва бошқа тадқиқотчилар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Республикамизда саноат корхоналарида чанг-ҳаво аралашмаси портлашининг технологик асбоб-ускуналарда содир бўлиши ҳолатларини олдини олиш ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш бўйича тадқиқотлар А.К.Кудратов, Т.А.Ғаниев, О.К.Абдурахмонов, О.Р.Юлдашев, О.Т.Хасанова ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида бўш хона ҳажмининг беш ёки ундан ортиқ фоизига тенг бўлган маҳаллий ҳажмда портловчи чанг-ҳаво аралашмасини ҳосил қилиши мумкин бўлган чанг миқдорини аниқлаш усули яратилмаган, шунингдек чанг ҳосил қилувчи ишлаб чиқариш корхоналарининг технологик жараёнларида портлашга сабаб бўлувчи асосий омилларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университетида ITD-4—«Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш усулларини ривожлантириш, илғор технологиялар, физика ва нанотехнологиялар асосида технологиялар ва

қурилмалар яратиш» давлат илмий-техник дастури асосида ОТ-Atex-2018-(30+342) —«Пиролиз қурилмалари асосида иссиқхоналарнинг автоном иссиқлик таъминоти тизимини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасини бажаришда (2018–2020 йй.) ва Қарши Муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилаётган Жаҳон банкининг AIF 2/15 Академик инновациялар фонди (2019–2020 йй.) грант лойиҳаси илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган³.

Тадқиқотнинг мақсади саноат корхоналарида чанг портлашига сабаб бўлувчи хавфли омилларни камайтириш, инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига чангнинг хавфли таъсирини аниқлаб, ҳимоялаш чораларини кўришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чанг билан боғлиқ ишлаб чиқариш биноларида чанг балансини, чангнинг муаллақ ҳолатга ўтиши, стационар ҳаво оқимлари ва сиқилиш тўлқинлари таъсирида портловчи чанг-ҳаво аралашмалари ҳосил бўлишини таҳлил қилиш;

ишлаб чиқариш хонасида муаллақ ҳолатга ўтишда портловчи чанг-ҳаво аралашмалари ҳосил қилувчи минимал чанг миқдорини аниқлаш;

ишчи-ходимларга ишлаб чиқариш жараёнида чангнинг хавфли ҳамда зарарли таъсирини аниқлаш ва ҳимоя чораларини кўриш юзасидан тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти: ишлаб чиқариш чанглари, олтингугурт, витан, полистирол эмульсия, АБС-пластик, аминопласт кукуни.

Тадқиқот предмети саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг хавфли омилларини камайтириш усуллари, яъни, чанг-ҳаво аралашмаси портлашининг олдини олиш бўйича ўзаро боғлиқ омилларни ҳисобга олиш усуллари, чанг чиқариш жараёнлари, чангнинг муаллақ ҳолатга ўтиши ва портловчи ёниш жараёнида иштирок этиш жараёнларини илмий асосланган ҳолда аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида киёслаш, назарий таҳлил, кузатиш, амалий тажриба-синов (эксперимент) усуллари, баҳолаш тизими, тажрибада аниқлаш, кузатув чизмаларини таҳлил қилиш, тадқиқот натижаларни умумлаштириш, математик таҳлил ва иқтисодий самарадорликни баҳолашкаби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда кўринади:

чанг ҳосил қилувчи ишлаб чиқариш корхоналарини портлашга қарши баҳолаш усули ишлаб чиқилган бўлиб, ишлаб чиқариш хоналарини ёнғин хавфи “В” тоифасидан портлаш хавфи “Б” тоифасига ўтказишда иқтисодий самарадорлик асосланган;

чанг ҳосил қилиш жараёнларини комплекс ҳисобга олиш ва портловчи чанг-ҳаво аралашмаларининг ҳосил бўлиш шароитлари таҳлил қилинган, чанг ва унинг интенсивлиги, хонанинг баландлиги ва майдонининг

³Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги 89-03-2264-сон маълумотномаси.

нотекислиги, чангнинг муаллақ ҳолатга ўтиши ва портловчи ёниш жараёнида иштирок этиши ҳисобга олинган;

ишлаб чиқариш биноларида чанг чиқариш жараёнининг пайдо бўлиши назарий жиҳатдан хоналардаги чанг баланси, чанг чиқариш жараёнининг математик усулдаги тадқиқи, чанг интенсивлиги асоси равишда таҳлил қилинган ва тажрибалар тарзида чанг зарраларининг муаллақ ҳолатга ўтиши ҳамда портловчи ёниш жараёнида иштирок этувчи миқдори аниқланган;

чанг портлаши оқибатида барча чанг зарралари муаллақ ҳолатга ўтиши ва портловчи ёниш жараёнида иштирок этиши натижасида хавф-хатар даражаси ортиши, инсон ҳаёти ва соғлиғига етказиладиган зарарлар, жароҳатлар ва касб касалликлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Тажибада олинган маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш асосида кўплаб соҳаларда ишлатилиши мумкин бўлган портловчи моддалар мавжуд хоналар тоифасини аниқлаш усули ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган таклифларни амалиётга жорий этиш, хавфсизлик қоидаларига риоя этиш, ишлаб чиқаришнинг хавфлилик омилларини камайтириш учун микроиқлимни санитария-гигиена талабларига мослаштиришни татбиқ қилиш, портловчи ёнувчан чангларчиқини математик таҳлил қилиш асосида жароҳатланишларни камайтириш юзасидан тавсиялари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида фойдаланилган расмий маълумотлар ва ўтказилган тажиба-синов ишлари лаборатория жиҳозлари ёрдамида олинган таҳлилларда асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилгани, олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти саноат корхоналарида алангаланувчи чанглар чиқинчи билан боғлиқ портловчи моддалар бўлган хоналар тоифасини аниқлаш, ишлаб чиқариш биноларида чанг балансини таҳлил қилиш, чанг чиқариш жараёнининг математик усулдаги таҳлили, чанг интенсивлиги ва ўзаро боғлиқ омилларни ҳисобга олиш, чанг зарраларининг муаллақ ҳолатга ўтиши ҳамда портловчи ёниш жараёнида иштирок этувчи минимал миқдордаги чангни аниқлаш шарт бўлган хавфсизлик қоидалари илмий асосланганлиги билан изоҳланади. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти таклиф этилаётган тавсиялар чанг тарқалишини математик таҳлил қилиш ва микроиқлимнинг санитария-гигиенанормалари талабларига тўлиқ мослигини таъминлаш ишчи-ходимлар шикастланишининг олдини олади ва зарарланиш ҳолларини камайтиради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг хавфлилик омилларини камайтириш бўйича олинган натижалар асосида:

саноат корхоналарида ёниш чангларини чиқариш билан боғлиқ бўлган портловчи ёнувчан тоифаларни аниқлаш усули топилган, унда ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси учун хос бўлган бир-бирига боғлиқ бўлган

омилларни ҳисобга олинган, илмий асосланган қоидалар ва воситалар татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси “О’ЗТО’QIMACHILIKSANOAT” уюшмаси Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар “SANAM” масъуляти чекланган жамиятнинг 2020 йил 10 мартдаги, “BUNYODKOR KAFOLAT SERVIS” масъуляти чекланган жамиятнинг 2020 йил 16 мартдаги, Қарши давлат университетининг 2020 йил 18 мартдаги, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг 2021 йил 30 июндаги далолатномалари). Натижада, “В” ёнғин хавфи тоифаси тайинланиб, “Б” тоифасини босиб чиқаришга 12723817 сўм маблағ тежалган;

хавфсизлик техникаси қоидалари, жароҳатланишларнинг олдини олиш, ишлаб чиқариш биноларида портловчи ёнувчан чанг-ҳаво аралашмалари, осон тикланадиган конструкциялар, чанг миқдорини ўлчайдиган лаборатория жиҳозлари ва микроиқлимни санитар-гигиеник меъёрлари таклиф этилган (“Ўзбекнефтегаз” АЖ Муборак газни қайта ишлаш заводининг 2020 йил 9 июндаги №8-2/FX-1573-сонли далолатномаси, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2021 йил 16 сентябрдаги 04/670-сон маълумотномаси). Натижада, таклиф этилаётган хавфсизлик техникаси қоидалари ва микроиқлимни санитар-гигиеник меъёрлари талабларига тўлиқ мослигини таъминлаш, ишчи-ходимларнинг шикастланишларини олдини олади ва жароҳатланишлар эҳтимолини 29-35% гача камайтиради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, 5 та халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги,

илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг «Ишлаб чиқариш чангларининг хавфлилик омилларини хорижий давлатлар тажрибаси асосида аниқлаш» номли биринчи бобида саноат корхоналарида содир бўлган чанг-ҳаво аралашмалари портлаши билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар таҳлил қилинган. Ишлаб чиқаришнинг ёнувчан чангларни чиқариш билан боғлиқ портлаш хавфи ишлаб чиқаришхонасининг тоифасини аниқлаш, хорижий давлатларда саноат чанглари учун портлаш ва ёнғин хавфини баҳолаш тизими, чанг қатламларининг ёпишқоқлик хусусиятини аниқлаш усуллари, рухсат этилган ҳаво оқимлари ва сиқилиш тўлқинлари таъсирида чангнинг муаллақ ҳолатга ўтиши билан боғлиқ ишлаб чиқариш биноларида хавфли ижтимоий-иқтисодий оқибатлар, уларни ҳисобга олиш, таҳлил қилиш усуллариининг муаммоли масалалари, алангаланувчи чанг чиқариш билан боғлиқ шикастланишлар каби масалаларга оид адабиётлар ўрганилган. Хорижий давлатлар тажрибаси асосида қиёслаш усуллари ва хавфсизлик техникаси қоидаларининг ишлаб чиқилиш ҳолати, шикастланишга олиб келувчи механик омиллар ва технологик ускуналарда чанг чиқариш техникасидаги рисклар (хатарлар) бўйича маълумотлар таҳлил қилинган.

Ўрганилган тадқиқотларга асосан, ёнувчан чанглар билан боғлиқ корхоналарда ёнғин ва портлашлар сони кўпайишда давом этиб, кимёвий ишлаб чиқариш биноларида содир бўлган 436 та портлашдан 32 таси чанг ва унинг аралашмасидан келиб чиққанлиги аниқланган. 1-жадвалда АҚШда саноат корхоналарида чанг портлашлари сонининг ошиб бorganини кўрсатувчи тахлилий маълумотлар келтирилган.

1-жадвал

АҚШда чанг портлашларининг кўпайиши ва етказилган моддий зарар миқдори келтирилган

Йиллар	Портлашлар сони	Одамлар сони		Моддий зарар, млн АҚШ доллари
		ҳалок бўлганлар	жароҳатланганлар	
2010	380	308	680	0,213
2011	888	575	1110	80,0
2012	1110	648	1772	102,3
2013	1173	681	1792	119,4

2014 йилда АҚШ пластик саноати соҳасининг ўзида ёнғин ва портлашлар натижасида кўрилган моддий зарар 5,6 млн долларни ташкил этган. Америка суғурта компанияларининг 2014 йилги маълумотига кўра, чанг портлашлари умумий сонининг 20% пластик моддалар улушига тўғри келиши, кўмир қазилма саноатида ҳам кўплаб портлашлар содир бўлиши аниқланди. Швеция суғурта компаниялари маълумотларига кўра, мамлакатда 2005–2015 йиллар давомида портлашлар оқибатида кўрилган зарар учун суғурта бадали миқдори 6-7 марта ошиб, 4-5 миллион долларни ташкил этган. Япония саноат корхоналарида 2014 йилда 78 марта чанг портлашлари қайд этилган бўлиб, улар оқибатида 184 нафар шахс жабрланган. Бундан


ташқари, 69 та портлаш кимё саноати ҳиссасига, жумладан, органик ярим тайёр маҳсулотлар, бўёқлар, пластмасса моддалар, синтетик ювиш воситалари ва бошқаларга тўғри келиши аниқланган.

Кўпгина мамлакатларнинг алангаланувчи чанг хусусиятларини баҳолаш тизимлари Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия ва Россия Федерациясида ишлатиладиган усулларга асосланган. Шу боис ушбу мамлакатларда қабул қилинган чангнинг алангаланиш хусусиятларини баҳолаш тизимлари ўрганилди. Ишлаб чиқаришга оид норматив ҳужжатлар таҳлили ўрганилганида, уларнинг кўпчилигида портловчи моддалар мавжуд бўлган хона тоифаси фақат *АҚЧК* қийматига мувофиқ аниқланишини кўрсатди. Бундан, хона тоифасининг асоссиз равишда ошириб юборилишига олиб келиши ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ишлаб чиқариш хоналарида чанг чиқиши ва унинг муаллақ ҳолатга ўтиши каби омиллар ҳисобга олинмаганлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш хонасида чанг ҳолатини ва чангнинг физикавий-кимёвий хусусиятларини ўрганиш» номли иккинчи бобида портловчи чангнинг тўпланиш вақтини назарий асослаш, ишлаб чиқариш биноларида чангнинг чўқинди миқдорини, чанг тарқалган таркибий қисмини аниқлаш, чанг коэффициентини ва чанг қатламининг ёпишқоқлигини тажрибада аниқлашни ўрганиш, ҳисобга олишнинг математик таҳлилий усули ишлаб чиқилган.

Статистик кўрсаткичлар таҳлилидан маълум бўлишича, саноатдаги портлаш ҳодисаларининг 94% гачаси технологик ускуналар, вентиляция тизимлари, фильтр камералари ва бошқаларда содир бўлади. 28% ҳолларда биноларда такрорий портлашлар содир бўлади, алангаланиш жараёнида улар технологик асбоб-ускуналардан хонага чиқарилган чиқинди маҳсулотлар, шунингдек, чанг қурилиш иншоотлари ва ускуналари шаклида иштирок этади. Чўқинди чанг потенциал хавфи бўлиб, хонанинг алангаланиш хавфини баҳолашда унинг миқдорини инобатга олиш керак. Маълумки, ишлаб чиқариш хонасидаги чанг икки таркибий қисмдан, яъни ердаги, қурилиш иншоотларидаги, ҳаво каналларидаги чанг ҳамда ускуналардаги чангдан иборат.

Ишлаб чиқариш майдонида чанг тўпланишининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат: технологик асбоб-ускуналарнинг муттасил ишлаши, аспирация тизимларининг самарасизлиги, усқунанинг номукамаллиги, қўл меҳнати қўлланиши аспирацияни қийинлаштиради. Тозалаш учун мавжуд бўлган жойларда чанг кунлик, ҳафталик ва бошқа муддатларда тозалаб турилади. Хонани тозалаш сифати чангни йўқотиш самарадорлиги билан боғлиқ. Хона тозалангандан кейинги ўлчанган чанг миқдорининг G_n , хонада мавжуд чанг миқдори G_x га нисбати чанг тўпланишини аниқлайди. G_n / G_x қийматининг хонадаги чанг тўпланадиган цикллар сонига боғлиқлиги 1-расмда ифодаланган.



1-расм. Чанг тушиш миқдорининг G_n / G_x га боғлиқлиги тасвирланган.

Хонадаги турли сиртларда жойлашган чанг миқдори G_x ни қуйидаги ифода орқали аниқлаш мумкин:

$$G_x = G_B \cdot (1 - \alpha) \quad (1)$$

бунда, G_B – тозалашдаврида хонага чиқадиган чанг массаси, g ; α – шамоллатиш тизимларининг самарадорлиги коэффиценти (аспирация). G_B ва α қийматлари аниқланмаган бўлса, G_x қиймати фақат тажриба тарзида аниқланиши ва қуйидаги формула билан ҳисобланиши мумкин.

$$G_x = \sum_{i=1}^n (\Pi_i \cdot F_i) \cdot \tau_x \cdot \frac{1}{K_3} \cdot K_r \quad (2)$$

бунда, $\Pi_i - F_i$ майдонидаги чанг интенсивлиги, $g \cdot m^{-2} \cdot s^{-1}$; K_3 – чанг таъсирининг интенсивлигини аниқлаш пайтида ускуналарнинг фойдали иш коэффиценти; K_r – умуман олганда, ёнувчан чанг улушини ҳисобга олувчи чўкинди чанг миқдори коэффиценти аниқланган. Ишлаб чиқариш хонасига кирувчи чанг-ҳаво оқимлари бутун хона бўйлаб тарқалади. Хонадаги ҳавонинг ҳаракатчанлигига қараб, чанг зарралари ҳавода айланиб қолади, уларнинг баъзилари ерга, технологик асбоб-ускуналар ва қурилиш иншоотлари сатҳига жойлашади, баъзилари эса умумий шамоллатиш орқали хонадан чиқарилади. Тозалаш учун мавжуд бўлган майдонда жойлашган чангнинг умумий миқдори қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$G_{xd} = \sum_{i=1}^n \cdot G_{abcd}^i \quad (3)$$

Худди шу усул билан хонанинг баландлиги (β_1) бўйича чанг бирикмаларининг нотекис тарқалиш коэффицентива тозалаш қийин бўлган жойлардаги чанг миқдори аниқланди. Субстратлар эса тозалаш қийин бўлган барча жойларда тенг миқдорда ўрнатилди.

Ўртача зарра диаметри d_4^{50} ва σ дисперсияси 3-жадвалда, унинг диаграммаси эса 2-расмда келтирилган.

Чанг ҳолатини ўрганиш асосида корхоналарда чанг чиқиши жараёнини тавсифловчи назарий боғланиш аниқланган бўлиб, у тозалаш қийин бўлган жойлар мавжудлиги, тозалаш ишларининг сифати ва миқдори, хонанинг баландлиги бўйлаб жойлашган чўкинди чанг миқдори каби хусусиятларни ҳисобга олади ва бу чанг тўплаш вақтини аниқлаш имконини беради.


Дисперсияни таҳлил қилиш маълумотларикелтирилган

Моддалар номи	Ўртача диаметр d_4^{50}		Дисперсия $\sigma \left(\frac{g}{m^3}\right)$	
	микроскопда	седиментацияда	микроскопда	седиментацияда
Аминопласт	38	35	1,58	1,30
Полистирол	37	32	1,42	1,38
АБС-пластик	43	49	1,51	1,33
Витан	15	27	1,86	1,32
Олтингугурт чанги	30	38	1,92	1,38




2-расм. Аминопласт кукуни, полистрол эмулсияси, АБС пластик, витан, олтингугурт чангининг дисперсия σ таҳлили ифодаланган.

Саноат корхоналаридаги тажрибалар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқариш майдонларида чангнинг табиий концентрацияси камдан-кам ҳолларда $0,01 - 0,02 g \cdot m^{-3}$ дан ошади. Шу боис портлаш хавфи нуқтаи назаридан чўкиндиларга нисбатан кўтарилган чанг миқдорини эътиборсиз қолдириш мумкин. Бундан ташқари, вертикал сирт ва шифтга ўрнашган чанг миқдорини ҳам эътиборга олмаслик мумкин. Махсус субстратларда чанг чиқувчи ишлаб чиқариш биноларидаги чанг миқдори тажрибада аниқланди. Кейинчалик шу асосда чанг чиқиш интенсивлигини ҳисоблаш мумкин бўлади. Материалларнинг дисперс таркиби ва чанг чиқариш коэффициенти ўрганишда микроскопик усул билан ишлаб чиқилган таркибни аниқлаш учун натижаларнинг ўхшашлиги аниқланган. Тозалаш коэффициенти чангнинг юқоридан тушиш баландлигига (3-расмга қаранг) боғлиқ бўлиб, у $3,0 m$ баландликда $0,3$ дан ошмаслиги ўрганилди.



3-расм. Чангларнинг коэффициентининг материал баландлиги H га боғлиқлиги тасвирланган. 1, 2, 3, 4 - мос равишда пластик АБС, олтингугурт, аминопласт кукуни, витан

Материаллардаги чанг қатламининг ёпишқоқлиги унинг намлигига боғлиқлиги аниқланди (4-расмга қаранг), яъни, намлик ошгани сайин ёпишқоқлик даражаси ҳам ортиб бориши ва саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнидаги чанг чиқариш билан боғлиқ хавф-хатарларни, чангнинг физик-кимёвий хусусиятларини таҳлил қилиш асосида хавфли омиллар таъсирида содир бўладиган бахтсиз ҳодисаларни бартараф этиш ёки оқибатларини енгиллаштириш имконини берадиган тавсиялар ишлаб чиқилди.




4-расм. Чанг қатламининг намлик даражасига боғлиқлиги тасвирланган. 1-пластик АБС, 2-витан, 3- аминопласт кукуни, 4-олтингугурт


Диссертациянинг «Чангнинг атмосфера ҳавосига ўтиш жараёни» номли учинчи бобда стационар ҳаво оқими ва сиқилиш тўлқини таъсирида чангнинг муаллақ ҳолатга ўтиши жараёнлари таҳлил қилинган. Хонадаги чангнимуаллақ ҳолатга тушириши мумкин бўлган манбалардан бири ускуна портлаши натижасида хонада ҳосил бўладиган сиқилиш тўлқинларидир. Чўкинди чангнинг муаллақ ҳолатга ўтиш эҳтимолини баҳолаш учун критик тезлик эмас, балки ҳаво оқимининг ҳақиқий тезлиги (5-, 6-расмларга қаранг) аҳамиятга эга. Чангнинг йўқолиши ва унинг характериға мос ҳолда ҳақиқий ҳаво оқимининг тезлигини аниқлаш учун қуйидаги ифода ишлатилган.

$$W_{\phi} = W_{oc} \cdot (1 - r / r_o)^{1/n} \quad (3.5)$$

бунда, W_{ϕ} – канал ўқидан r масофадаги ҳақиқий ҳаво тезлиги, $m \cdot s^{-1}$; r_o – канал радиуси; n – Рейнольдс сони коэффиценти, тезлик оралиғи учун $n = 7$.




5-расм. Абсолют қийматнинг ҳаво оқими тезлигига боғлиқлиги тасвирланган. Намлик 0,27% ва 0% бўлган 1,2-олтингугурт; 2,4% ва 0% намликдаги 3,4 витан; таркибида 0,52% ва 0% намликдаги 5,6 полистирол эмульсия




6-расм. Абсолют қийматнинг ҳаво оқими тезлигига боғлиқлиги тасвирланган.
1,2 - намлик билан АБС пластмассаси мос равишда 0,42% ва 0%; 4,4% ва 0 намликдаги 3,4
аминопласт кукуни

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ўрганилган чанг чўкишининг ҳаво оқими ҳақиқий тезлигига боғлиқлиги 7- ва 8-расмларда келтирилган.



7-расм. Абсорбция микдорининг ҳақиқий ҳаво тезлигига боғлиқлиги тасвирланган.
1,2 - мос равишда 0,27% ва 0% намлик билан олтингугурт; 3,4 - намлик билан витан мос
равишда 2,22% ва 0%; 5,6 - намлик билан полистирол эмульсия мос равишда 0,52% ва 0%.



8-расм. Абсорбция қийматининг ҳақиқий ҳаво оқими тезлигига боғлиқлиги тасвирланган.
1,2-пластик АБС, мос равишда 0,42% ва 0%; 3, 4 - мос равишда 0,45% ва 0% намликдаги аминопласт кукуни

Чангнинг кириб бориши чанг қатламнинг қалинлиги ва у жойлашган сиртнинг юзасига таъсир қилади. Тажрибада чанг сингиши каналдаги сингари сиқилиш тўлқини пульсига боғлиқ бўлиб, у 0 дан G гача ўзгариб туради. Чанг кириб бориши қийматларининг ўзаро боғлиқлиги ва сиқилиш тўлқини пульсидан келиб чиққан A_5 экспериментал коэффициентларининг қийматлари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвалдан кўришиб турибдики, чанг катта майдонга кириш пайтида экспериментал коэффициентнинг қиймати каналдаги кичик субстратларнинг киришига қараганда бир неча баравар кичик бўлади. Чўкаётган чангнинг муаллақ ҳолатга ўтиш шарт-шароитлари ўрганилди, бу чанг ажралиши ва унинг массасига киришни ифодалайдиган ҳаво оқимининг критик тезлигини аниқлаш имконини берди. У $1,2 - 2,1 \text{ m} \cdot \text{s}^{-1}$ оралиғидадир.

A_5 коэффициент қиймати келтирилган

Модданинг номи	1 <i>mm</i> қалинликдаги чанг қатлами коэффициентининг қиймати	
	каналда	юқори тезликда
Олтингугурт	7,80	0,52
Полистирол эмульсия	7,78	0,51
АБС пластик	7,35	0,58
Аминопласт кукуни	3,64	0,50
Витан	8,68	0,73
Терефталик кислота	3,43	0,81

Массани чангдан тозалаш олтингугурт, полистирол эмульсияси, АБС пластик ва терефталик кислота учун — $4-5\text{ m}\cdot\text{s}^{-1}$ тезликда, витан ва аминопласт кукуни учун эса $7-8\text{ m}\cdot\text{s}^{-1}$ тезликда бошланади. Ҳаво тезлиги шундай бўлаганида тегишли сифатга эга чанг-ҳаво аралашмаси портловчи концентрацияга эришиши мумкин. Чанг интенсивлигининг стационар оқимлар ва ҳаво оқимининг тезлиги билан боғлиқлиги $y=A(W - W_{xp})^B$ тенгламаси билан ифодаланиши аниқланди.

Каналдаги сиқилиш тўлқинлари таъсирида чангнинг кириб бориши тажрибада ўрганилган тезлик ва сиқилиш тўлқинига таъсир қилиш вақтидаги абсолют қиймати сирт ёпишқоқлиги ва қатлам қалинлиги билан белгиланади ҳамда сиқилиш тўлқинининг пульсига тўғри келади. Тажрибалар қалинлиги 1 ва 2 *mm* бўлган чанг қатлами билан ўтказилди. Субстрат юзасида чанг тўпланиши қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$y = \frac{M_1 - (M_2 + M_3)}{F}$$

бунда, M_1 – тажриба олдида субстратдаги чанг массаси, *g*; M_2 – тажрибадан кейин бир хил, *g*; M_3 – ҳаракат давомида ўрнатилган тоза субстратдаги чанг массаси, чанг билан субстрат ортидаги ҳаво, *g*; F – чангланган субстрат сирт майдони, m^2 . Чанг тушиш миқдори билан бир қаторда, ифлосланган чангнинг ҳавода муаллақ ҳолатга ўтиш коэффициенти қуйидаги формула асосида аниқланди:


$$K_{AB} = \frac{M_1 - (M_2 + M_3)}{M_1}$$

бунда K_{AB} – коэффициентининг қиймати $0 \leq K_{AB} \leq 1$ оралиғида бўлади.

Аниқловчи параметр сифатида сиқилиш тўлқинининг тезлиги босими (бундан кейин ҳамма жойда сиқилиш тўлқини зарбаси) умумий шаклда қуйидаги формулада ифодаланди:

$$\Delta = \int_{\tau_1}^{\tau_2} P_{\text{дин}}(\tau) d\tau$$


бунда, τ_1, τ_2 – сиқилиш тўлқинининг чанг қатламига таъсир қилиш вақти, *s*.



9-расм. Катта сирт майдонида олтингугурт чангининг муаллақ ҳолатга ўтиш коэффициентини ва кириш қийматида сиқилиш тўлқини импульсига боғлиқлиги тасвирланган. 1, 2, 3 — мос равишда 0,2; 0,6; 1,0 mm қалинликдаги чанг қатлами билан; 6, 7 — эрозия кириши билан бир хил; 4 — ҳар қандай қалинликда эрозия қатлами

Катта сирт майдонидан кирадиган чанг миқдори сиқилиш тўлқинининг пульсациясига тўғри келади (9-расмга қаранг). Бу ҳолда мутаносиблик коэффициентининг қиймати кичик майдонга эга каналдаги киришга қараганда каттароқ тартибда эканлигини кўрсатади. Чанг массасининг зичлиги ва ёпишқоқлиги катта сиртлардан чанг тушиши ҳолатларига мутаносиблик коэффициентини аниқлаш учун эмпирик боғланиш сифатида олинган.

Диссертациянинг «Технологик ускуналарнинг фавқулодда ҳалокат пайтида муаллақ ҳолатга ўтувчи чанг миқдори, чанг чиқарадиган маҳсулотнинг портлаш ва ёнғин хавфини аниқлаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини баҳолаш» номли тўртинчи бобида асосий ҳисоблаш схемалари, технологик ускунада чанг портлаши пайтида пайдо бўладиган максимал босимни аниқлаш усуллари, зарар кўрган ускунадан портлаш босимининг чиқиш пайтидаги импульс қийматини ҳамда ишлаб чиқариш хонасида муаллақ ҳолатга тушиши мумкин бўлган чанг миқдорини ҳисоблаш йўллари таҳлил қилинди. Хонада портловчи аралашма ҳосил қиладиган минимал чанг миқдорини асослаш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида ишчи-ходимларга чангнинг хавфли ва зарарли таъсирини аниқлаш усуллари ўрганилди, чанг чиқарадиган маҳсулотнинг портлаш ва ёнғин хавфи ҳамда иқтисодий самарадорлигини баҳоланди. 90% ҳолатлардаги бирламчи портлаш (10-расмга қаранг) технологик ускуналардаги портлаш бўлиб, унинг йўқ қилиниши билан бирга келади. Хонада ҳосил бўлган беқарор оқим сиқилган тўлқинни ҳосил қилади, у чўкинди чанг устида ҳаракат қилади ва уни ҳавога чиқаради.




10-расм. Чанг портлаш жараёни тасвирланган.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқариш биноси полида чанг йиғилиши сабабли, ускуналарда содир бўладиган портлаш хавфини аниқлайдиган параметрларнинг асосий ҳисоблаш схемалари ўрганилди, технологик ускуналарни йўқ қилишнинг асосий дизайн схемалари кўриб чиқилди. Юзада ва кириш қийин бўлган жойларда чанг тўпланиб қолганида чангнинг муаллақ ҳолатга ўтишига олиб келадиган асосий ҳалокат схемалари аниқланди.

Ҳалокат ускунадан баландликда $H \neq 0$ содир бўлганда, ускунанинг яроқлилиқ муддати тугамасидан (11-расм, II ва IV схема) барча контактларнинг занглашига олиб келиши мумкин, энг хавфли ҳолат $270^\circ < \varphi < 360^\circ$; агар ускуна пол юзасида жойлашган бўлса ва пол сатҳида фавқулодда ҳалокат юз берганда, энг хавфли ҳисобланади. (11-расм, I схема);

Ускуналар полдан маълум бир баландликда жойлаштирилган бўлса, энг



11-расм. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида олинган асосий ҳисоблаш схемалари тасвирланган.


хавфли ҳолат $\varphi = 370^\circ$ бурчак остида бўлади (VI схема). Шундай қилиб, чанг тўпланиб қолганхона полида сиқиш тўлқини импульси катталигини аниқлаш учун ускуналар полга жойлаштирилган I-схема қабул қилинди.

Ишлаб чиқариш хонасида тозалаш қийин бўлган жойларда чанг тўпланган бўлса, энг хавфли ҳолатлар I, III (енгил I билан) бўлиб, IV ва V схемалар бўйича чангнинг портлаш хавфи камаяди.

Фавқулодда ҳалокат вақтида ҳосил бўлган сиқиш тўлқини импульси сабабли, ускуналар икки хил ҳолатда шикастланаши аниқланади.

График ва аналитик равишда чиқиш тешигида юқори босимнинг чанг оқимида боғлиқлиги (компьютер ёрдамида), чанг портлашида ускунадаги максимал босим, тешик атрофи, ускунанинг ҳажми, дастлабки босим, шунингдек, ускунадаги жорий босим ва тешикдаги динамик (тезкор) босимнинг график боғланишлари аниқланди. Сиқилиш тўлқинининг асосий хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг юқори тезликда бўлиши босим пульсининг қийматига, ҳар қандай ҳолатда ҳам хона ҳажми, тешикдаги

бошланғич тезликнинг импульслари функцияси ва керакли масофага боғлиқлиги аниқланди. Максимал босимни белгилайдиган жараёнлар, шунингдек, чанг портлаши ва унинг аралашмалари очиқ туйнук орқали чиқиш пайтида босим ўзгариш қонуни ва ҳосил бўлган чанг аралашмалари портлаши тешиктан чиқишининг ҳақиқий жараёнлари татқиқ этилди.



12-расм. Сиқилиш тўлкини пульси катталигининг тешиктан чиқиш жараёнига боғлиқлиги ифодаланган. 1,2,3 – $V_0 = m^3$ билан P_{BCKP} – мос равишда 110, 200 ва 300 kPa ; 4,5,6 – $V_0 = 5m^3$ да бир хил

Хонадаги муаллақ ҳолатга тушадиган чангнинг максимал миқдорини ҳисоблаш натижалари портловчи ЧХА ҳажмини аниқлашда хонадаги чанг миқдорини ҳисобга олиш кераклигини кўрсатди. ЧХА маҳаллий ҳудудининг хонани бўш ҳажмига нисбати қуйидаги формула ёрдамида аниқланди.

$$\frac{V_{\text{лок.го}}}{V_{\text{св}}} = \zeta \quad (5)$$

Хона бўйича чангнинг бир хил тақсимланиши билан маҳаллий ҳажмда портлаш концентрациясининг пастки чегарасида портловчи аралашма ҳосил қилиш учун $1/\zeta$ га кўп қиймат асос қилиб олинади. Акс ҳолда, ўртача чанг концентрацияси АКЧКдан бир неча баравар паст бўлади, яъни, бу ҳолда хонадаги чангнинг портлаш хавфи учун хавфсизлик коэффициенти қуйидагига тенг бўлади.

$$(K_{\text{зан}})_{\text{max}} = \frac{1}{\zeta} \quad (6)$$

Тадқиқотда шу каби мулоҳазаларга асосланиб, чангнинг нотекис тарқалиш коэффицентини олиб, хона ҳажмининг 5% ида чангнинг концентрациясини аниқлаш ҳисобга олинди. Саноат корхоналарида чанг портлаши оқибатида шикастланишдан ташқари, хона атмосфераси таркибидаги заҳарли ҳаво, кимёвий моддалар чангидан ходимларнинг соғлиғига етказилган зарар чанг зарраларидан заҳарланиш ҳолатларига киради. Диссертация тадқиқотларида заҳарланиш даражаси бир қанча ҳолатларга, модданинг заҳарлилиги ва қандай йўл билан организмга тушиши, ҳаво таркибидаги заҳарли модданинг концентрациясининг миқдори, заҳарланган атмосферада қанча муддат бўлиниши, организмнинг ўзига хос хусусиятлари ва соғлиқ даражасига, ходимнинг ёшига ва об-ҳаво шароитига боғлиқлиги ўрганилган.

Бундан ташқари, бу заҳарлар тўғридан-тўғри ўпка орқали бирдан қонга сўрилиши хавф-хатар даражасини ошириб юбориши, заҳарли моддалар

концентрацияси (ҳаво таркибидаги миқдори) белгиланган даражага етганида ходим касб касаллигига чалиниши аниқланди. Ёнувчи чанглар чиқарилиши билан боғлиқ бир қатор саноат портлашлари хавфини камайтирмасдан «Б» портлаш хавfli тоифасидан «В» тоифасига ўтиши мумкинлиги ва ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш ва улардан фойдаланиш пайтида бир қатор талаблар даражасини пасайтириш портлаш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун профилактик тадбирларнинг самарадорлигини ошириш сезиларли иқтисодий самара бериши таҳлил қилинди.

Аксинча, мавжуд корхоналар учун ёнғин чиқиш хавфини «В» ишлаб чиқариш тоифасидан портловчи хавfli «Б» тоифасига ўтказиш асосли бўлса-ю, рад этилса, анъанавий конструкцияларни осон тикланадиган конструкцияларга алмаштириш, электр жиҳозларининг портлашга қарши турларини, фавқулодда вазиятда шамоллатиш ва бошқа қурилмаларни ўрнатиш зарурати туғилади. Шартли хона майдони $68,4 \text{ m}^2$, ишчи ҳудуд майдони, $17,43 \text{ m}^2$ бўлган хонадаолтингугурт чанги ва буғи миқдори 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Олтингугуртнинг организмга хавfli ва зарарли таъсири келтирилган

Модданинг номи	РЭК, Mg/m^3	Ҳаво била бирикканда портлаш чегараси, g		Ҳавога нисбага оғирлиги	Хонадаги умумий чанг миқдори, g	Ишчи ҳудуддаги чанг миқдори, g	Бир сменадаги чанг миқдори, g	200 сменадаги чанг миқдори, g	Махаллий хажмдаги АҚЧ ва ЧХА ҳосил бўлиши, g	Инсонга хавfli ва зарарли таъсири
		Пастки	Юқори							
1.Олтингугурт чанги	6	4,3	45,0	1,92	1395,83	9,06	1460,1 3-синф 1.даража (3.1)	292020 3-синф 2.даража 3.2)	3502,8	Кўз ва юқори нафас олиш йўлларини, ошкозон-ичак касалликларини келтириб чиқаради.
2.Олтингугурт бўғи	2	3,6	43,0	1,72	1395,83	9,06	1460,1 3-синф 4.даража (3.4)	292020 4-синф	3002,8	Газниқоб таъкиб ишлашга қаршилиқ кўрсатувчи нафас олиш ва юрак-қон касалликлари пайдо бўлади.

Портлаш ва ёнғин хавфи тоифасини аниқлаш ва иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш Муборак газни қайта ишлаш заводида амалга оширилди. Муборак ГҚИЗ хавfliлиги юқори бўлган муҳим объектлардан ҳисобланиб, унда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар портлаш ва ёниб кетиш хавфи юқори, хомашё, реагент маҳсулотлар эса захарлидир. Заводнинг 5-цеҳида олтингугурт суюқ ҳолатда сақланадиган 200 m^3 хажмли тўртта ер ости омбори мавжуд бўлиб, бу чуқурликдаги омборларда олтингугурт киздирилган ҳолда сақланади (13, а-расмга қаранг).

Олтингугурт (13, б-расмга қаранг) ёзнинг иссиқ кунлари қуёш нури таъсирида ва шамол йўналиши бўйлаб ўзидан захарли ҳид чиқаради. Бу эса атроф муҳит ва одамлар соғлиғига зарар етказди.



13-расм. а) Олтингугурт омбори; б) Олтингугуртнинг суяқ ҳолатда кувурда оқиши тасвирланган.

Бунинг олдини олиш учун ёз ойларида омборхона сифатида енгил тикланадиган конструкция майдонидан фойдаланишни тавсия этамиз. Бу лойиҳа иқтисодий жиҳатдан тежамкор бўлиб, қисқа муддатда йиғма жиҳозлардан тикланиб, қайта фойдаланишга яроқли бўлади. Тадқиқот ишида олтингугуртнинг портлаш хавфини аниқлаш мақсадида унинг ҳавога тарқалиш ҳажми ёпиқ хона сифатида лойиҳаланиб, ҳисобланган. Чангнинг хавфли ва зарарли таъсирининг олдини олиш учун очиқ майдонда ишловчилар респиратор ёки ПШ-1, ПШ1-2 газниқоблар ва шахсий химоя воситаларидан фойдаланиши, хоналарда ишлаш учун доимий маҳаллий сўрувчи вентиляция тизими ишлаши, энг асосийси, олтингугурт чанги ва газининг атрофга тарқалишини камайтириш орқали хавфли ва зарарли омиллардан зарарланиш камайишига эришилади.

ХУЛОСА

“Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг хавфлилик омилларини камайтириш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация асосида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қўйидаги хулосаларга келинди:

1. Чанг-ҳаво аралашмаси портлаши ҳақидаги таҳлилий ўрганилган манбаларга асосан, портлашлар одатда икки ёки ундан кўп босқичларда, аксарият ҳолларда, бирламчи портлаш хонада тўпланган чангни муаллақ ҳолатга ўтказадиган технологик ускунада содир бўлишини кўрсатди. 28% ҳолларда портлаш натижасида пайдо бўлган чанг-ҳаво аралашмасининг иккинчи даражали портлашида босим ва вайронагарчиликларнинг кўпайиши олиб борилган тадқиқотлар асосида аниқланди.

2. Чанг алангаланишининг куйи чегараси концентрацияси ва хавфли маҳаллий ҳажми ҳисобга олиш, ишлаб чиқариш биносида чанг портлаши ва ёнғин келиб чиқиши хавфини аниқ баҳоламаслиги асосланди. Чанг тўпланишининг интенсивлиги, хона ҳажми бўйлаб нотекис тарқалиши, муаллақ ҳолатга ўтадиган чангнинг портлаши ва ёнишида биноларнинг иштирок этиши, тасодифий чиқиндилар пайдо бўлганида хонага чанг моддалари кириб келиши каби омилларни ҳисобга олиш зарурияти аниқланди. Саноат соҳасига оид деярли барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда портлаш хавфи бўлган хона тоифасининг кўрсаткичи фақат

$65 \text{ g} \cdot \text{m}^{-3}$ га тенг бўлган тартибга солувчи қиймат билан аланганинг қуйи чегара концентрацияси чангига нисбатан камайиши исботланди.

3. Стационар ҳаво оқимлари таъсирида аэродинамик усулда жойлашган чангнинг муаллақ ҳолатга ўтиш шартлари ўрганилди. Чанг массасининг кескин камайиши $4 - 5 \text{ m} \cdot \text{s}^{-1}$ дан ортиқ ҳаво оқими тезлигида содир бўлади, бунда, ҳаво чангланиши натижасида портловчи концентрацияга етиши аниқланди.

4. Чўкинди чангни муаллақ ҳолатга ўтказиш шартлари ўрганилди, бунда, чанг ажралишини аниқлайдиган ҳаво оқимининг критик тезлиги топилди. Ўрганилган чангнинг ҳақиқий критик тезлигининг қиймати $1,2 - 2,1 \text{ m} \cdot \text{s}^{-1}$ оралиғида. Массани чангдан тозалаш олтингугурт, полистрол эмульсия, АБС пластик ва терефталик кислота учун— $4 - 5 \text{ m} \cdot \text{s}^{-1}$ тезликда, витан ва аминокласт кукуни учун эса $7 - 8 \text{ m} \cdot \text{s}^{-1}$ тезликда бошланиши илмий асосланди. Бундай ҳаво тезлигида чанг тегишли сифатга эга бўлган ҳолда, портловчи концентрация ҳосил қилиши аниқланди.

5. Ускуналардаги портловчи аралашманинг ҳажмини аниқлашда хонада тўпланган ҳамма чангни ҳисобга олиш зарур эканлиги, назарий ва амалий тажриба тадқиқотлари натижаларини умумлаштириш асосида ёнувчан чанглар эмиссияси билан боғлиқ саноатнинг портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд бўлган хона тоифасини аниқлаш методологияси ишлаб чиқилди. Унда комплекс равишда хонанинг баландлиги, чанг тўпланиши, тўпланган чангнинг муаллақ ҳолатга тушиши ва портловчи чанг-ҳаво аралашмаларини ҳосил қилиши каби жараёнлар ҳисобга олиниши илмий исботини топди.

6. Ҳисобланган чанг миқдори хонада тарқалиши бўйича бир сменадан кейин хавфли таъсири камроқ, 200 сменадан кейин хавфли, 364 сменадан кейин эса ўта хавфли таъсир кўрсатиши исботланди. Ишлаб чиқариш хонасини ёнғин хавфи бўйича ҳар икки ойда «Б» тоифасига киритиш мумкинлиги асосланди. Бундай корхонада ишчиларга ҳимояланиш чоратадбирлари кўрсатилиши, хоналарда доимий маҳаллий сўрувчи вентиляция тизими ишлаши, хавфли чангларнинг атрофга тарқалишини камайтириш, яъни, чанг тушиш интенсивлигиюқори ва тозалаш қийин бўлган жойларга чанг йиғиш ускуналари жойлаштириш зарурияти борлиги аниқланди. Бу эса хавфли омилларни камайтириш имкониятини кескин оширади.

7. Тажриба сифатида Муборак газни қайта ишлаш заводида очиқ омборда сақланаётган олтингугурт экология ва инсонларнинг соғлигига хавф солмаслиги учун, ёз ойларида осон тикланадиган конструкциядан омборхона сифатида фойдаланиш тавсия этилди. Иқтисодий жиҳатдан тежамкор бўлган бу лойиҳа, қисқа муддатда йиғма жиҳозлардан тикланиши, қайта фойдаланишга яроқли бўлиши ва ишлатилиши қулай бўлган кўшимча ускуналарнинг ўрнатилиши хавфсизликни таъминлаш самарадорлигини оширади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО
СОВЕТА PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ МЧС РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

НУРМАМАТОВА РАХИМА РАХМАНОВНА

**УМЕНЬШЕНИЕ ФАКТОРОВ ОПАСНОСТИ ПРОМЫШЛЕННЫХ
ПРОИЗВОДСТВ**

05.10.01 — Охрана труда и безопасность деятельности человека

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Ташкент — 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of the of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Нурмаматова Раҳима Раҳмановна

Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг хавфлилик омилларини
камайтириш..... 3

Нурмаматова Раҳима Раҳмановна

Уменьшение опасных факторов промышленных
производств..... 23

Nurmatova Rakhima Rakhmanovna

Reducing the hazards of industrial roduction..... 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.2.PhD/T1237.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.fvvakademiya.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Юлдашев Орунбай Рахмонбердиевич
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты: Хасанов Бахриддин Баратович
доктор технических наук, профессор

Ганиев Тохир Ахмедович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский государственный университет имени
Ислама Каримова


Защита диссертации состоится «6» VI 2021 года в 10 часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 по присуждению ученых степеней при Академии МЧС Республики Узбекистан (Адрес: г.Ташкент, 100102, Район Янги хаёт, улица Дустлик, 5, Телефон: (71) 258-56-57. E-mail: info@akademiya.fvv.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии МЧС Республики Узбекистан (регистрационный № 3.) (Адрес: г.Ташкент, 100102, Район Янги хаёт, улица Дустлик, 5, Телефон: (71) 258-56-57. E-mail: info@akademiya.fvv.uz).


Автореферат диссертации разослан «23» IX 2021 года.

(Реестр протокол рассылки № 1 от «11» 08 2021 года)




Б.Т.Ибрагимов
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор технических наук, доцент


Х.М.Дусматов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, кандидат химических наук


Ш.Э.Курбанбаев
Председатель Научного семинара Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор технических
наук, старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Правильное определение в мире категорий взрывоопасных зданий и сооружений, связанных с выбросом горючей пыли, обеспечение технической и производственной безопасности на промышленных предприятиях являются одним из ведущих способов повышения производительности труда. Учитывая то, что согласно мировым нормативам определения категории взрывоопасности зданий, 32 из каждых 436 взрывов в мире вызваны смесью пыли и воздуха, наличие которых характерны для каждого промышленного предприятия, необходимо внедрение в практику оценки опасности производственных зданий и сооружений, принимая во внимание таких факторов, как пыль и ее интенсивность, высоту помещения и площадь неравномерности взвеси пыли и ее участие в процессе взрывного горения.

Необходимо провести научные исследования по определению категории взрывоопасных помещений в мире с выбросами горючей пыли, исходя из установления нижнего концентрационного предела воспламеняемости пыли и опасного количества пылевоздушной смеси в рабочей зоне 65 g/m^3 . В связи с этим факторы, характерные для каждого промышленного предприятия, низкая вероятность взрыва в технологических процессах промышленных предприятий важны для обеспечения высокого качества работы и производительности труда в целях обеспечения безопасности жизни и здоровья сотрудников, безопасности зданий и сооружений, технологического оборудования.

В стране проводятся обширные научные исследования и достигнуты существенные результаты по определению категорий противовзрывной продукции, возможности образования взрывоопасной пылевоздушной смеси в опасной рабочей зоне здания или предотвращения взрывов. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы включает, в частности, «... обеспечение жизни людей в экологически безопасной среде, ... локализацию производства, ... дальнейшее укрепление продовольственной безопасности, расширение производства экологически чистой продукции...» определены важные задачи. Эти задачи включают, помимо прочего, обеспечения правил техники безопасности, предотвращение травм, уменьшение взрывоопасных горючепылевых смесей на производственных объектах, использование легко восстанавливаемых конструкций, установки лабораторного оборудования для измерения уровня запыленности, а также выработки рекомендаций по микроклимату, санитарии и гигиене для каждого производственного объекта. Необходимо рекомендовать научно обоснованные правила и средства, учитывающие взаимосвязанные факторы, для создания метода определения категорий взрывоопасных горючих веществ, связанных с выбросом пыли от горения на промышленных предприятиях.

Данная диссертационное исследование связано с разработкой принципов классификации промышленных предприятий по

